

Ойла ҳақмият

ВА


37

сон

30 сентябрь —
6 октябрь
1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси



ЎШБҲ
СОИДА

**ЎҚИТУВЧИ
ОБРЎЙИ**

2-бет

**ЯХШИЛИККА
ИНТИЛАМАН**

3-бет

**МЕҲНАТДАН
ОР
ҚИЛМАНГ**

4-бет

**АКС
САДО**

5-бет

**БУ
ИШҚМИ
ЁКИ
ҲАВАС?...**

6-7-бет

**АЖАЛ
ХИЁБОНИ**

8-бет

ЎШБҲ
СОИДА

Муаллим! Бу муқаддас ва улғу сўз замирида пурмаъно мазмун ётади. Барчамизнинг қўлимизга қалам тутқазиб илк бор ёзиш ва ўқишга ўргатган, онгу шууримизга борлиқ олами танитган ҳам муаллимдир. Ҳаётда нимагаки эришган бўлсак, ҳаммасида унинг меҳнати ва ҳиссаси бисёр. Зотан, келажагимиз бўлиши фарзандларимизга узлуқсиз малакали сабоқ бераётган муаллимлар оилаларимизнинг маънавий баркамоллигида ҳам бевоқифа иштирок этадилар.

Эртага ана шундай табарруқ инсонларнинг касб байрами. Бу кунни нафақат маорифчилар, халқ таълими ходимлари балки бутун республикамиз аҳолиси катта шодидона билан нишонлайдилар. Байрам баҳона жамоатчи мухбиримиз Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани халқ таълими бошқармаси бошлиғи Абдулла Раҳматуллаев билан мулоқотда бўлди.

— Истиқлолдан кейинги таълим тизимидаги ўзгаришлар, хусусан, Сиз бошқараётган меҳнат жамоасидаги янгиланишлар ҳақида фикрингизни баён этсангиз.

— Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида таъкидлаганидек «...таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир». Демак, энг аввал онгни, тафаккурни тарбиялашга эътибор қаратмоқ зарур. Ватани, халқи ва миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш таълим тизимининг моҳиятини ташкил қилади. Бугун дарсга қираётган ўқитувчи ўз фикрига эга бўлмас, маънавий меросимизни англамас экан, унга куз тикиб, қулоқ солиб турган, юзлаб ёшлар умирга зомин бўлиши турган гап.

Истиқлолга эришганимиздан кейин барча соҳаларда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар халқ таълими тизимига ҳам тааллуқлидир. Бугун мактабларда ташкил этилган маънавият хоналарида ёшлар мил-

ЎҚИТУВЧИ ОБРҮЙИ

лий қадриятларни, Ватан тарихини, миллат урғимини урганмоқдалар. Биз энг аввал мустақилликни қадрлаб, ундан озуқа олмақчини ёш авлод онгига сингирмоғимиз керак. Тугилиб ўсган муқаддас Ватанимиз ва камтарин меҳнаткаш халқимизнинг фидойиси бўлишни ўз урнига қўйишимиз зарур. Шу ниятда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, ўқувчиларда маънавиятни шакллантириш учун мактабларда ҳар душанба кунини мустақил Республика-миз байроғи кутарилиб, мадҳиямиз ижро этиладиган бўлди. Бу тадбир асосида байроқ улуғланиб, мадҳия шарафланади. Ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма бериш соҳасида олиб бораётган ишларимиз ҳам яхши самара берапти.

Албатта, иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. Асосий муаммо — ўқитувчи кад-

ларнинг янгилашмаслиги.

Буни ҳал қилиш учун фан ўқитувчилари яна бир фан бўйича малака ошириш курсларига юборилмоқда. Шунингдек, юқори синф ўқувчилари орасида устоз-шогирд ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу билан бир томондан дарслар ўқитувчи билан таъминланса, иккинчи томондан ўқитувчининг

дарс соати купаяди. Ўз навбатида моддий манфаатдорлик ошади, ишонч ривож бўлади.

Муаммоларимиздан яна бири 9-синфни битирган ёшларимизнинг бир қисми хунарга лаъқати бўлмай, иш жойлари яхши ташкил қилинмагани учун кўчада қолиши мумкин. Ушбу муаммони олдин олиш учун 10-11 синфларни режадан ортиқроқ очигаша ҳаракат қилишимиз ҳамда мактаб-маҳалла ҳамкорлиги дастури асосида маҳаллаларда кичик қорхоналар ташкил этиб, у ердаги қўшимча иш жойларига ёшларни жойлашмоқчи.

— Сизнингча, бугунги ўқитувчининг обрўйи қандай?

— 1 октябрь — ўқитувчилар кунини миллий байрам сифатида нишонлаганининг ўзи давлатимизнинг бизнинг камтарона меҳнатимизга курсатган юксак эътиборидир. Бу — бизнинг обрўйимиз. Ўқитувчилар кунини байрами муносабати билан заҳматкаш муаллимларни моддий тақдир-

лашдан тортиб, факрий ёрликлар, кукрак ишончи ҳамда турли унвонлар билан маънавий тақдирланиши эл олдидаги ҳурматимиз.

Бунинг устига ўқитувчиларнинг тоифаларга қараб турли разрядда маош олишларини эслатсак, юқорида таъкидланган обрў ва ҳурматларимизни ўз меҳнатларимиз билан оқлаш масъулияти зиммимизга юкланади. Шундай экан, ўзининг қадр-қимматини англайдиган иродаси мустаҳкам, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш вазифасини туманимиздаги барча муаллим-устозлар шараф билан амалга оширишга бор куч-қувватларини сарф этадилар.

— «Оила ва жамият» газетасига сўзларингизни?

— Бу газета қизиқарли, серқирради. Рўқилари ҳар хил, ўқишли енгил. Кишини зериктирмайдиган ушбу газетани бутун оиламиз билан қизиқиб ўқиймиз. Келгуси йилларда унинг саҳифаларидан «Бола тарбияси», «Мактаб ва оила» каби рўқилар жой олсин, мухлисари янада купайсин. У кириб борган ҳар бир хондонда ёшлар билими, оилалар мустаҳкам бўлишини тилаб қоламиз. Фурсатдан фойдаланиб барча ҳаммасбларимизни байрам билан табриклайман.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ
суҳбатлашди

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗ!

Ассалому алайкум, муҳтарам устоз!

Бу оламда ҳар бир инсон қалбини кашф этилмаган, узиға хос бир дунё дейилади. Ҳар биримиз дунё ичра сир булган муъжиз дунёларимиз.

Сиз ана шу очилмаган дунёларни кашф этмоқ, сайқалламоқ, унинг ақлу шуурини чархламоқ, нурлантирмоқ учун умрингизни, узолигингизни бағишлайсиз.

Бу ёруғ оламда бизни дунёга келтирган ота-оналаримиз олдида қанчалар қарздор бўлсак,

ҳаётни таниганингиз, ибратли йўллардан бошлаганингиз, илм сирлари билан дилимизни равшан этганингиз учун Сизнинг олдингизда ҳам шунчалар масъулиятимиз, устоз!

Йиллар утаверди. Орулар сари интилиб бераверамиз. Бу мулда озми-купми муваффақиятларга эришсак ҳам, доволардан утишга қийналиб қолсак ҳам, дарҳол ортимизга утирилиб қараймиз. Йиллар, йўллар оша Сиз бизни кузатиб турган бўласиз. Ютуқларимиздан қувонасиз, қийналган дамларимизда синовалардан утган тажрибаларингиз, оқил маслаҳатларингиз билан ўзимизга ишончимизни мустаҳкамлайсиз, яна олдинга — эзгуликларга йўллайсиз.

...Ёдингиздами, устоз, синф тула бола... Ҳар биримизнинг ўзимизга хос одатларимиз, қилиқларимиз, гап-сузларимиз, ақлу қобилиятимиз бор эди. Гоҳида айримлар: «Фалончи келажақда машҳур олим, фалончи арбоб бўлади», — деб сузлаб қолишарди. «Фалончидан ҳеч қим чикмайди», — деб қай биримизнинг мурғак қалбимизни чуқтиргувчилар ҳам йўқ эмасди. Фақатгина Сиз барча-барчамизнинг дилимизни, кўнгли оламимизни ёш нихолдек асраб-авайлаб устирддингиз. Ҳаммамизнинг келажақда яхши одамлар бўлиб қамол топишимизга умидвор эдингиз. Шу жиҳатдан ҳам падали бузруқоримиз, волидаи муқаррамимиз қаб азиизси устоз!

Яхшиликлар тулиб- тошган, барчага меҳр-муҳаббат улашган қалбимизга ана таъзим, устоз!

Сиз шу қадар содда, камсуқум, фидойи, олий-жанобсиз муаллим!

Бутун дунёда, дунёнинг бир гузал бўлағи булган мамлакатимизда кашф этилаётган янгилар, ҳаётга гузаллик, туқинлик, қўлайлик, тараққиёт бахш этаётган кашфийлар барча-барчаси аввало Сизнинг меҳнатингиз туфайлидир. Лекин Сиз мақтаншини билмайсиз, олқишу мукофотлар кутмайсиз. Элу юрта наф келтирган ҳар бир янгиллик, воқеалардан бошингиз осмонга ётади. Чунки Сиз шу улғу халқ, муқаддас Ватан тақдирига тақдирингизни, жону-жаҳонингизни чам-барчас бағлағансиз.

Юксак орзуларингизнинг меҳроби булган жонахон Ватан эрқу ифтихори ила барқарор бўлсин! Унда Сизнинг номингиз, қадрингиз, ҳамиша муҳтарам бўлсин, устоз!

МУҲТАРАМА

21.30.

АХБОРОТ

МУБОРАК АЙЁМ

Кеча пойтахтимизда «Мустақил юрт таянчлари» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Ўқитувчилар кунига бағишланган ушбу тадбир республика «Соғлом авлод учун», «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ва Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда пойтахтдаги мавжуд туман мактабларининг фаол ўқитувчилари,

ри, халқ таълими ходимлари ва факрийлари қатнашдилар.

Анжуман иштирокчиларига хомийларнинг эсталик совгалари топширилди. Шунингдек анжуманда хонанда ва сезондалар ижросида устоз муаллим ва мураббийларни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ҳам янгради.

Ўз мухбиримиз.

ДИҚҚАТ, САВОБ!

ЛАЗИЗЖОНГА ҚОН КЕРАК

Бундан тўрт ой олдин Лазизжон тасодифан кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватидан йиқилиб, бўйни ва елкасидан жароҳат олди. У зудлик билан 2-ТошМИ шифохонасига ётқизилди. Лекин қўрилган муолажаларга қарамай Лазизжон Жўрабоевнинг аҳволи ҳамон оғирлигича қолмоқда.

Лазизжон Жўрабоевни жонлантириш учун, яъни икки оёғи, икки қўлини ишлатиш учун 2 литр 4-гурӯх қони ва Альбумин сунъий қон дориси керак.

Газетамизнинг азиз муштарийлари! Лазизжонга қўнғилли равишда қон бермоқчи бўлсангиз ва ёки Альбумин дорисини олишда моддий қумаклашмоқчи бўлсангиз 76-03-01 рақамли телефонга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

М. СУЛАЙМОНОВ

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

ра божхона постига эргашиб боришди. Ундан нарига ўтишни сира истамай таққа тўхташди-қолишди.

«Бухоро-1» божхона постида 53 сонли «Нукус-Тошкент» поезди йўловчилари назоратдан ўтказилганда фуқаро Сатимбой Ортиқовнинг 45 минг сумлик сигаретани қўқонуний равишда Республика-миз худудида олиб келаётгани аниқланди.

Комил ТОШ, Мухтор БЕК

ҚАРМОҚҚА ИЛИНИШДИ

қора дори маҳсулоти топилди. Ҳайдовчи Комил Муҳаметниёзов ва унинг шериги Сергей Ляпиннинг ёнидан куп миқдорда АҚШ доллар, гиёҳвандлик моддаларидан фойдаланишга мулжалланган шприцлар чиқди.

йўрғалатиш осон. Номаълум шахс уч бош от ва 32 минг сумлик тойни ўз йўригига солиб Қозғоғистон Республикасига йўл олди. Аммо отлар ҳам анойи эмас экан. Узларига эга чиққан номаълум шахсга «ғишт-қуприк» чега-

Бутун жаҳонда гиёҳвандликка қарши кенг кулашда кураш олиб боришмоқда. Лекин айрим қўшни давлатлардаги нотинчлик туфайли бу иллат авж олаётгани ҳам сир эмас. Баъзи бангифурушлар мамлакатимиз худудидан турли хилдаги гиёҳванд моддаларини олиб ўтишга уринмоқдалар.

Яқинда «Яллама» божхона пости ходимлари Тожикистондан Тольятти шаҳрига йўл солган машинани тўхташди. Давлат божхона қўмитаси «Блекки» лақабли хизмат ити ёрдамида ўтказилган текширув натижасида машинанинг

— Раёно, актёр учун нима биринчи ўринда туради? Истеъдодми, омадми, гузаллики?

— Актёр учун биринчи ўринда истеъдод туради. Чунки, истеъдодни фақат Оллоҳ беради. Бандаларнинг ҳеч бири бировга истеъдод ҳам беролмайди, уни тортиб ҳам ололмайди. Истеъдодни ёнига мен меҳнатни ҳам қўшишни истардим. Агар меҳнат қилинамаса, истеъдод ҳам кўринмай қоларди. Омад эса истеъдод ва меҳнат тўғрисида кулга киритилди.

Назаримда фақат актёргагина эмас, балки ҳар бир инсонга ҳам иссиқ-истара, чирой керак. Чирой бу, қошуқўзининг, ранг-раўнинг, жозибасигина эмас, балки, инсоннинг ички дунёси, маданияти, маънавиятини ҳам акс эттирувчи кўзгудир. Бундай одамнинг юзидан гуё нур ёғилиб туради.

Актёрларни ҳамма яхши кўради, танийди. Шу актёр билан учрашсам, деб орзу қилади. Шундай мухлислар билан қўришиб қолганда ёки кўчада сиз танимаган одам сизни таниб, яқин олиб гапирганда, қандай ҳолатга туласиз?

— Шундай пайтда бекорга яшамётганимга қувонаман, шукрлар айтаман. Яна шунки қўриб қўйишим керак — уша кимдир, бировга танилиш актёрга осонгина насиб этмайди. Мени таниган мухлисларимни яхши кўриб кетаман. Улар санъатга бефарқ эмаслигидан, қўзғатувчанлигидан, қалби кенглигидан руҳ оламан.

— Образ яратиш жараёнини гапириб берсангиз?

— Ҳар хил образни яратиш жараёни ҳам ҳар хил кечади. Масалан: баъзи образларни ёши сендан катта бўлади ёки уни бошдан кечирганини сен бошдан кечирмаган бўлиши мумкин. Бундай пайтда уша образга тегишли бўлган тарихий китобларни, адабиётларни титқилашга тушаман. Ҳаётда ушандай авлларни қидиришни, уларни қўзатишни бошлайман. Лекин ҳар доим актёрнинг биринчи ишонч тоғи, ерданчиши бу режиссёр!

Бошқа бир вазиятда образга тез киришиб кетасан. Унинг кечинмаларини юрак юрагиндан ҳис қиласан. Мумкин бўлса мен бир мисол келтирсам?

— Марҳамат! — Театримизда хабарингиз бор Абдулла Ориповнинг «Сохибқирон» асари саҳналаштирилди. Менга «Бибиҳоним» образи берилганда бироз ҳаёжонландим. Тугриси қўйналдим ҳам, чунки мен замонамизнинг ҳаммага ушшаган оддий бир аёли бўлсам, қандай қилиб, етти иқлим ҳўқдорининг севики, айни пайтда ақли ва тадбиркор маликаси образини яратар эканман, деб ўйлаиб қолдим. Режиссёр Олимжон Салимовнинг берган маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, ўқиш, урганиш орқали имконият даражасида шу образ киффасида томошабинлар ҳўзўрига чиқишга муваффақ бўлдим. Бошқа бир мисол: Салоҳиддин Сироҳиддиннинг «Ҳаёт эшик ортида» номи спектаклида табассум образини яратдим. Спектаклдаги воқеа-ҳодисалар шу кўнни ифодалайди. Режиссёр Едгор Саъдиев қўйган бу спектаклда ҳеч қўйналмай, ҳатто роҳатланиб ўйнайман, иккала вазиятда ҳам оилаб меҳнат қилишга, бир неча варақ суз ўлдашга, керак пайтда йиқилишга, йиғлашга тўғри келади. Мана шу жараёни, айтиш мумкинми доволони энгиб ўтгандан кейингина томошабин олдиға қичилади. Актёрлик айни пайтда ҳам қўйин, ҳам масъулият, ҳам мароқли касбдир.

— Баъзан залда ўтирган томошабин саҳнадаги актёрларға ҳалақит бериши мумкин, баъзан эса

ёрдам бериши мумкин. Шу пайтда саҳнада рол ижро этаятган актёр қандай ҳолатга тушади.

— Актёр ҳудди аскарга ўхшайди. Аскар қорда ҳам, ёмғирда ҳам уз бурчини бажариши шарт бўлганидек, актёр ҳам ҳоҳ шовқин бўлсин, ҳоҳ кимдир суз ташласин, ҳоҳ қўллаб турсин, барибир уз бурчини бажариши шарт.

Спектаклни тўхтатмасдан охиригача ўйнаш керак. Шундай бир дақиқалар бўладики, томошабин бирор

Дийдор

«ФАҚАТ ЯХШИЛИККА ИНТИЛАМАН»

(Ҳамза номидаги академик драма театри актрисаси Раёно Ярашева билан суҳбат)



бўлади. Аммо, томошабин юрак-юраги билан сизға ҳамнафас бўлиб туради, сиз билан ҳаяжонланади, хурсанд бўлади. Ушандай пайтда саҳнадаги актёрнинг жисму-жонига бир мужзавий ҳолат пайдо бўлади. Актёр ҳам руҳан, ҳам жисмонан завқ билан ўйнайди.

— Раёно, сиз яратган образлар хилма-хил. Бири голиб, бири мағлуб, бири қувноқ, бири гагмин. Сиз ўзингиз ҳаётда қанақасиз?

— Қанақа бўлардим. Ҳаммага ушшаган одамман. Агар аникор айтадиган бўлсам, мағлублигим ичимда, мағрурлигим юзимда. Ботинимда гагминга, зоҳиримда қувноқман. Мен ҳаётда бўладиган қўйинчиликлардан, ташвишлардан нолиб, тушқўнликка тушиб юрмайман. Кетаётган йўлимдан тўхтамай фақат яхшиликка, эзгуликка интиламан. Ҳеч қачон шукронани ўнўтмайман.

— Бир донишманд «Истеъдодлар ҳудди ўсаётган сочларға ўхшайди, улар бир-бириға ҳалақит бермай ўса-варадилар», деган экан. Бу фикрга

сиз қандай қарайсиз?

— Истеъдодлар қамиша ва ҳар доим истеъдодларға ёрдам беради. Истеъдодсизликка ҳалақит бериши мумкин. Мен ижод қилаётган академик театрда ҳеч қўрқмай айтишим мумкинки, фақат истеъдодларгина ишлаяпти, ҳалққа хизмат қилишяпти. Ҳалқимиз севган аҳойиб санъаткорлар Яйраҳоним, Рихсониҳоним, Тўтиҳонимлар, Ёқуб Аҳмедов, Толиб Қаримов, Ёркин Қомиллов, Едгор Саъдиев, Сайидхоним Умаров, Ғайбулло Ҳожиёвлар истеъдод эмасми? Ҳўлқи-хўш, меҳнатсевар Раъшан Жўраев, Фатҳулла Маъсудов, Ҳожи-акбар Қомиллов. Тохир Сайидов. Беҳзод Мўхаммадқаримовлар, гузал қизларимиз Дилбархон, Шохидохон, Зўҳраҳон, Маҳфўзахон, Мадинахон, Лола-хонлар истеъдод эмасми? Мен шундай аҳойиб ҷамонинг бир азёси эканлигидан бахтиёрман.

— Раёно, сизнинг турмуш ўртоғингиз Баҳриддин ака, қатта қалб эгаси, шириндан-шарқ урта фарзандингиз бор. Ўзингизда мўжассам бўлган хўсу-сиятлар болаларингизға ҳам ўтганим?

— Зўлфияҳон, ўзингизға маълум турмуш ўртоғим — оғир-босиқ, доимо менинг рағбимға қарайдиган, гарчи бошқа соҳада ишласалар ҳам, санъатни севуви олийжаноб инсон. Катта қўзим Мохичехранинг фелъ-атвори кўпроқ дадасига ўхшайди. Камгап, босиқ, оғир қўз. Ўғлим Қомилжоннинг айрим хўсусиятлари менға ўшаб кетса да, узига ҳослик маъжуд. Бу қўз меңдаги бор яхши-ёмон фазилатларини битта ҳам қолдирмай олган қўйган.

— Ўзбек оилаларига тиланингиз.

— Ўзбек оиласига бахт, тотувлик ва мангу муҳаббат тилайман.

Суҳбатдош : Зўлфия МУМИНОВА

Арзи ҳол ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН ҚУЧЛИДИР

«Мен ота-онамнинг розилиғи билан маҳалладошим Илҳомжон Пулатовға турмушға чиққан эдим, — деб ёзади ҳат муаллифи. — Эрим мундо сабабимиз ёмон эмасди. Ҳар ҳолда бир-биримизни тушунардик, ҳурмат ҳам қилардик. Турмушимиздан нолғидан жойимиз йўқ эди. Уртағизга соғуқчилик тушишига, охир-оқибатда ёш оиламизни бузилиб кетишига эрим сабабидир. Бу билан мен ўзини оқламакчи эмасман. Худоға шўкр, бир авлнинг қўлидан келадиган ишни қилишға қодирман. Оиламни сақлаб қолиш учун, болаларини тирик етим қилмаслик учун эримнинг барча «эр-қалиғу шўхлиқлари»ға чидаб келдим. Авл боши — теғирмон тоғи экан. Сўв келса сиғириб, тоғи келса кемириб турмушнинг барча азоб-ўқубатларига бардош бериб ўтавераркан. Лекин бир нарсаса бардошим етмади. Мен гуё ўзининг туғишган ака-укаларини билан ўйнаш туғиниб юрган эдимман. Эримнинг бу сузлари юрагимға на-шардек санчиди. Қўлим ёқмади, айтар гагим оғзимда қолди. Биз янги ҳовли-жойға қўчиб ўтгандан кейин ҳам бундай ҳолат такрорланаверди. Энди эрим мени қўни-қўшинларға ўйнаш қилиб кўрсатарди. Оиламиздаги ўриш-жанжал, моҳаролар айнан шундан бошланиб бошимда беҳуда таёқ синаверди. Охири емаган соғсаға пул тулайвериш жонимға теккан, қўшинларни қачириб қичиб қўзаштирдим. Икки уртада эримнинг юзи шўв туғи бўлиб, шарманда бўлгани қолди. Аслида уйдаги сиғири қўчаға олиб қичиш, беғоналарға дастурхон қилиш яхши эмас. Менинг бундай одатим йўқ эди. Ноллоқ шундай қилишға мажбур бўлдим.

Шундан кейин эрим мени уйдан қўчиб қичарди. Ушанда иккинчи фарзандимға ҳомилидор бўлиб, ой-қўнми қўйналшиб қолган эди. Катта ўғлимни етаклаб қизлик уйимға қайтиб бордим. Лекин қичарилган қўз қичириқдан ташқари бўларкан. Қизлик уйига ҳам ота-онаси тириклик пайтида сиғар экан. Онам вафот этгандан кейин акамнинг хотини — янгам бизни сиғдирмай қўйди. Бу орада яна бир ўғиллик бўлдим қўвончимдан қўра, ташвишми қўнайди. Ҳозирча икки болам билан оламникида туриб-миз. Биламан, бу ерда ҳам омонат-миз. Бировнинг қўш-қовоғига қараб яшаш оғир экан. Даққи-дашномлар эшитавериб юрагим зардобға туғи-тоғиш кетди. Эрим эса ушандан бери қорасини кўрсатгани йўқ. Ҳол-ҳовал сураш ёки хабар олиш ўқда турсин.

Мен 1997 йилда уй-жой талаб қилиб Чортоқ тумани судига мурожаат қилдим. Буни қаранг-ки, туман суди раиси сайланмаганили сабабли давво аризам Янғиқўрғон тумани судига қўриб қичкиди ва келишув битини туғилди. Унга қўра эрим менға квартира олиб бериши керак эди. Ҳалигача олиб бергани йўқ. Бу масала Ўйчи тумани судига ҳам бир неча марта қўрилди. Кейин Ўқўрғон тумани судига оширилди. Бу туман суди уй-жойдан пул ҳисобидан 89 минг 235 сўм ажратиб бериш учун қарор қичарди. Шу йилнинг май ойида қичарилган ушбу қарор ҳамон қўча қиргани йўқ. Суд ижроҳис Ш Жўраев «эрингизға қачирув қўғозни юборганман. Келмасан нима қилай», — дейди ҳолос. Нима қилишни билмай сизларға арзи ҳол етаяпман.

Н. БОЛТАБОВЕВА.

ИЗОҲ: Ҳат муаллифи Чортоқ туманидаги А. Қажор қўчаси, 35 уйда истикомат қилади. Лекин мўжам яшаш жойига эға эмас, ҳеч қаерда ишла-майди ҳам. Болаларига бериладиган нафақа пули ҳисобига қўн қўради. Қўқаси, оилавий шароити оғир. Бўнинг устига суди-суд юғиришининг узи бўлади дейсизми Чортоқдан Янғиқўрғонға, Ўйчи ёки Ўқўрғонға бориш учун озмунча сарф-ҳаражат кет-тадими? Қайта-қайта қатнаб йўл азобини тортиб борганға яраша бирор узғариш бўлса қўшқинди. Аниқ бир натижа йўқ.

Ҳартуғул Ўқўрғон суди фўқаро Н. Болтабовеанинг ҳақ-қўқўқини тиклаш учун адолатли қарор қичаради. Бироқ, бу қарор ҳам ҳозирча қўғозда турибди. Ваҳоланки, ҳар қандай қонун ижроси билан қўчлидир.

К. ТОШМИРЗАЕВ

— Алло тахририятми?
— Ҳа, лаббай!
— Мен, Маликаҳон Иброҳимова — ТошМининг 5-босқич талабасиман. Биз дарсдан сўнг чарчаб қайтамы. Маҳалла ичидан ўтган йўл ҳоҳида узайиб кетадими, адоғи йўқдек қўринадим. Тўнов қўни шу йўлда икки авлаға рўбару келиб қолдик. Улар аллақандай молларни бир-бириға қўрсатиб, узаро гаплашарди.

— Ҳой, қизлар, тўхтанлар! Импортний рўмол, пайпоқ, духилар бор... олмайсизларми? — деб бизни ҳам тўхтатишди улар.

Тугриси нарсаларға ҳавасимиз келса-да, стипендия икки ҳафта бор эди. Қолаверса, тежаб ишлатмасак эртанги кўн нима бўлади? Сазасини улдиргимиз келмади.

— Раҳмат, олажон, ҳозирча керак эмас. Бошқа сафар оламиз. Стипендия қичсин... деб уз йўлимизда кетаётсак, улардан бирининг айтган гапи юрганимизға ўқдек ботди.

— Вой, қизиксан-а, келиб-келиб молингни шўларға реклама қилдингми? Буларда пул нима қилсин! Об-шаганинг қизларни-ку, булар!

Ичимдан соғуқ тер қичиб кетди. «Обшаға»нинг қизлари... Бўнчалик қўпол гапиримасам, «маданиятли шаҳарлик»лар. Бу сузни биринчи бор эшитганим йўқ. Гоҳ автобус ёки бошқа жойларда ҳам ҳудди шундай муомалани қўрасан. Бу суз мўсофиб юртларда ўқиб юрган қизларға берилган баҳоми? Биз ҳам узўқлардан

иссиқ қўшамизни ташлаб ётоқхонада ҳавасға яшамаймиз-ку? Иккинчидан — ўзингизға мўтлақо беғона жойға урганишининг узи бўладими? Ҳоҳлайсанми, ҳоҳламайсанми шўнга мажбурсан. Фарғоналикми, самарқандликми, Ҳоразм-у, Қорақалпоғистонданми барибир, қўнглингдан яқин дўстни топсанг бўлади. Опа-сингил ёки қалин дўгона дарду-қувончига шерик бўласан. Уртада пул йиғиб, бозор-учар қилиб бир

«ОБШАГА»НИНГ ҚИЗЛАРИМИЗМИ?

қозонда овлақ қайнатиб, талашиб-тортишиб ёйишининг ҳам ўз гашти бор. Гоҳида гўштли, гоҳида гўштсиз қайнатилган «Анклбенслар» ҳам узига яраша ширин ва мазаалидир. Чўнки уйимиздаги тайёр масаллиқлар, ота-она тўкиб ташлаган нўз-неъматларнинг қадриға гоҳ етиб, гоҳ етмасдик. Бу ерининг эса уз қўнун-қондиси бор. Улар тежамок-ликка, оқиликка ургатади. Кечқўруларни дарсларни қилгандан сўнг ўч-туртта бўлиб ҳасратлашамиз. Юлдуз Усмонованинг «Онажоним» қўшқини тинглаб қўзларимизда гилт-гилт ёш айланади. Кимдир оилавий албомуни варақлаб, қалбига яқин таниш чехраларнинг қилган ишларини, меҳрибончиликларини эслайди. Ҳаёлларни қўшқўқининг тўпроқ қўчаларида тентирайди. Узўқларда то-вонимизни уган иссиқ-иссиқ сарҳадларини соғинамиз. Яхшиям дўгонажонла-

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА...

римиз бор, деган уй ҳар биримизнинг ичимиздан ўтади, чўнки бир-биримизни тоғ қадар суяб турганимиз, бир-биримизға овуноқ, сирдош, аҳил яшаётганимиз, иккинчи уйимиз, яъни ётоқхонамизға фазл қиратади.

Тўғри, гуруч қўрмакисиз бўлмайдим, албатта. Ота-она қағтидаги пок дуоларни, олоққ орзуларни, муқаддас туйғуларни ёлғон дўненинг беш дақиқалик лаззатиға алмашаётган баъзи тенгдошларимизға ҳам Оллоҳ инсофу қанаот берсин.

Биримиз Нодира-ю. Увайсийнинг шаҳридан, биримиз Барчин, Қалдирғоннинг юртидан эканлигимизни кўрсатиб яшаймиз. Қўчаларни туғдириб қайтаётганимизда бизға кино ёки лоқайлид ҳис билан эмас, ҳавас билан қарашларини истардик. Шарқона гузаллик, аҳлоқ-одоб, моларимиз малохати ҳар биримизни янада гузал, назокатли, янада юксак айлосин ва ҳеч кимнинг ноуриин на-штардек ботуевич сузлари бизларға етолмасин. Қўчадан ўтаётганимизда «Обшаға»нинг қизлари деб эмас, «Ётоқхонанинг фаршата қизлари» деб сўқланиб, тикилиб қўлишганини билмай қолсин.

Мухтор БЕК

Бу мақолани уқир эканман қоп кутариб бозорма-бозор чапайтган аёлга ич-ичимдан ачинган бўлсам, эркакка ун чандон кўп ачиндим. Бу эркак нафратдан кура қупроқ ачи-нишга лоик, қонинг қалби кур, ҳисси суқир бўлиб қолган. Виждони меним-ча виждонлик ҳусусиятини йўқота-ёган, кунгли тошга айланаётган, узи эса чорасиз қолиб маънавий тубан-ликка юз тутиб бормоқда.

Бу биродаримиз мана шу биз яшаб турган ҳаёт мактабининг ўқув-чиси. Унинг уртамиёна уртоғи сифа-тида мен унга бир неча фикр-мулоҳазаларимни айтмоқчиман, зора ҳаракатдан тўхтаган виждони ҳаракат-га келса, қотайтган қалби юмшай бошласа.

Уртоқжон, сиз биласизми, дунёда «ҳақ» деган бир тушунча бор. Дунё яратилдики ҳар бир мавжудод борлиқдан уз ҳақини талаб қилади. Онгли инсон улушини олишда ўз улу-нинг ҳақини ҳаққини олиб, ҳалол лўқма ёйди, ёки кимнингдир ҳаққига ёхуд қандайдир ҳаққа ҳиёнат қилиб жигилдонини ҳаромга тўлдирди.

Биродарим, сиз яшасиз, лекин онгли инсон сифатида ҳаётда ўз ҳаққининг қандай олаётганингни ҳис қиласизми? Кимларнингдир ҳаққига ҳиёнат қилмасизми?

Огоҳ бўлинг, уртоқжон, биз эркак-ларимиз! Бу синов дунёсида аёллардан кура маъсулликроқ экан-лигини яратганингни ўзи муқаддас китобида ёзиб қўйибди. Бу маъсули-ятни ҳис қилмасангизнинг ўзиёқ ҳаққа ҳиёнат, буюқ Аллоҳ ҳаққига ҳиёнатдир.

Ҳафа бўлмангу, сиз аввало ўзин-гизнинг энг яқинларингиз, жигарбан-дларингиз ҳаққига ҳиёнат қиласиз.

Оилангизга रिққ топиб келиш урнига кун бўйи уйда ётар, жуфти-ҳалолнингизни бозорга-шайтоннинг масжидига юборар экансиз. Бозордан

келса кўнглини ларзага келтирувчи заҳар-заҳар гаплар билан кўтиб олар экансиз.

Биродар, холбуки яшайтган экансиз сиз ҳам таом есангиз керак. Бир эр-какнинг бир кунлик таоми бугун қанча туршини ҳисоблаб қуриш қийин эмас. Мана шу бир кунлик маблагни сизнинг

мен уялиб кетаяпман.

Наҳотки сиз фарзандларингиз она-сига куракда турмайдиган гаплар билан муомала қилишдан лаззатланасиз, бундан чарчамасиз. Авлигингизда қан-дайдир гумонингиз бўлса, қасдингиз бўлса, бошқа аёллар билан қилаётган но-маъқулчиликларингизни,

ботқоғига кундан-кунга чуқурроқ бо-тиб бораёсиз.

Ҳаётда огир-огир синовларга учра-маган куринасиз.

Ҳаёт қийинчилигидан қучиманг, зеро ҳали тирик экансиз. Худо сиз-нинг улушингизни ҳам етказиб тура-ди, лекин бу лўқманинг ҳалол ёки ҳаромлиги айнан сизга боғлиқ.

Энди ҳатти-ҳаракатларингизни мум-кин қадар тезроқ ислоҳ қилинг. Унча-мунча меҳнатдан ор қилманг, марди-корчилик қилиб бўлса ҳам ҳеч бўлмаса ўз қорнингиз учун лўқма то-пинг, лўқманингизни ҳалол қилинг.

«Ҳақ» масалаларида чуқурроқ маъ-лумот олиш учун ҳеч бўлмаса ҳар жумда масжидларга бориб, ахлоқий маърузалардан эшитиб туринг, кейин таассуротларингизни фарзандларингиз билан баҳам қуриг. «Ҳақ»ни таниб, ҳалол лўқма еган фарзанд эртага кун-дан қўлганингизда сизга садақотли бўлади.

Авлигингиз бозордан уйга, бола-ларингиз тарбиясига секин-секинлик билан қайтаришга ҳаракат қилинг, қанча тез бўлса шунча яхши, лекин бу ишни кўнгил хираликсиз тезда амалга оши-риш қийин масала.

Биламан, биродар, сизга булар осон эмас, бу билан сиз ўз ноҳақлигингизни тан олган бўласиз, эркак учун бундан огирроқ иш топи-лмаса керак. Аммо шуларни қилсангиз, ишонинг, эркаклик қадр-қимматингиз Яратганингиз олдида ҳам, оилангиз олдида ҳам, бошқа бандалар олдида ҳам ошша-ошадик, қамаймайди, ин-шоаллоҳ! Энг муҳими ҳаққа ҳиёнат қилишдан фориг бўласиз, ҳаётингиз тўғри йўлга тушиб кетади.

Бир нотаниш биродарингизнинг гаплари сизга огир ботган бўлса ўр. Уларни қабул қилиш ёки қабул қил-маслигини ўзингиз ҳал қилинг.

Шавкат РАВУТОВ,
Тошкент шаҳри

МЕҲНАТДАН ОР ҚИЛМАНГ

«Бу эркакка шундай бир сўз айтсак...»
(«Оила ва жамият» — 31-сон)

жигилдонингизга жойламасдан оила-нинг кам-қустига ишлатилса, ёки шу маблагнинг кичкина бир қисмини кичи-гингизга музқаймоқ олиб берилса қан-дай яхши, у ҳам уртоқлари музқаймоқ еса, егиси келса керак!

Бир уйлаб курганимиз, сизнинг ҳаёт тарзингизни қуриб яшайтган фарзандларингиз бундан қандай хулоса чиқараркин? Ўлгингиз зуваласи пишиқ эркак оулармикин? Қизингиз эса эркак-ларга нисбатан эгри фикрда бўлиб усмас-микин, эртага турмушга чиқса у ҳам авлигининг бугунги ҳолига тушмасми-кин? Биродар, сиз фарзандларингизнинг тарбиядаги ҳаққига ҳам ҳиёнат қиласиз.

Авлигингизни мунча қўйнайсиз, унга қанчалик огир эканлигини бир уйлаб курганимиз? Сизга, болаларига रिққ топиб келаман, деб бозорда юра-юра аёл эканлигини ҳам унутиб қўйибди-ку.

Сиз ҳам умрингизда бир марта бўлса-да метрода, автобусда ёки қуцада огир юк кутариб кетаётган кишига қумаклашиб юборгандирсиз. Авлигингиз, ҳалол жуфтин-гиз, азиз фарзандларингизнинг онаси сизнинг қўз олдингизда огир-огир юклар-ини ҳар кун кутариб бориб-кўтариб келади. Эркаклик шаънингиз наҳотки шуни ҳам ҳазм қилса. Очиғи, сиз учун

ҳиёнатларингизни унинг узиға мақтаниб, ҳар кун илдиргунча бир марта жисман улдириб қўя қолинг. Бу қўлингиздан келмаса, эркакча иш ту-тиб чолонни елгага ташлангу уйдан чиқинг-кетинг. Шунда сиз қилаётган ҳиёнатларингиз тоши анча енгиллаша-ди, оилангиз ҳам сиздан қўтилади. Зеро, авлигингизнинг бу юришига сиз сабабчисиз.

Биродар, ишончим қомилки, сиз ҳали виждондан бутунлай ажраб бўлмагансиз, худбингликнинг энг паст нуқтасига тушма-гансиз, чунки уйдагиларга заҳар бўлсангиз ҳам қуцадагиларга муомалангиз яхши, меҳрибон экансиз. Агар қабул қил-сангиз, сизга маслаҳатим, садақот билан ҳиёнатни, гуноҳ нима-ю савоб нима тезроқ фарқланг.

Ҳаёт кишига бир марта берилди. Ҳаётингизнинг катта бир бўлағи бўлган оилангиз ҳаққига ҳиёнатни энди қамайти-риб бориңг, тўхтатинг. Эркак эканлигин-гиз учун Яратганга шўкр қилинг-да, қад-дингизни ғоз тутиг, фарзандларингиз-нинг кейинги тақдир кўп жиҳатдан сиз-нинг ҳатти-ҳаракатингизга боғлиқ.

Сиз ҳозир ўзингиз билган ва сез-маган ҳолда қўлаб ҳақларга ҳиёнат қилиб яшасиз, ҳиёнат ва худбинлик

ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

АНЖИР

Анжирнинг хомини, шунингдек баргини хол, сўғал ва доғларга қўйилса фойдасини кейин биласиз.

Шираси оқиб турган анжирдан ейилса турли касалликларга шиғо бўлади.

Чипкон чикқан жой-га анжирнинг шираси суртилса, ёки пишган анжир ўша жойга боғланса чипконни тез-да пиширади.

Анжирни гулсапсар илдири ва анор пўсти билан қўшиб қайнатил-са, милк огрикларини тузатади.

Тутанжир тузалиши қийин бўлган шишларга қўйиб боғланса, шиш-ларни тезда қайтара-ди.

Пишган анжирни қулоқ ости шишларига қўйиб боғланса шиш-ларни қайтаради.

Хом анжирни офтоб-да қуришиб, талқон қилинса сўғра бошда-ги яраларга сеппилса тезда тузалади.

Тутканоғи бор ин-сонлар ҳар йили ан-жирдан тўйиб есалар, қишда эса қокисидан тотиб турсалар тутканоқ қасалидан ҳоли бўлишлари ҳам мумкин.

Сандмурод САИДАҲМАД
тайёрлади

Ассалому алайкум азизлар! «Туш таъбирномаси»ни яратиллик, деб жуда яхши қилибсизлар. Худди шун-дай тақлифни мен ҳам уйлаб юрар эдим.

Мен ҳам ўз курган тушлар-рини сизларга тўлалигича етказсам, деган ниятдаман.

Онамдан 4 ғшимда қол-ганим учун ул зотни соғиниб кечалари йиғлаб чиқиб уйда-гиларни безор қилардим. Кўнлардан бир кун Онамни тушимда курдим, ул зот қўлларига таёқ олиб мени шундай қувладиларки, қўрққанымдан базур қочиб кутулдим. Уйғониб «агар шундай ҳолатда онамни курадиган бўлсам бошқа курсатмагин», — деб Аллоҳдан тиладим. Шу-шу бўлдики, мана ғшим 60 дан ошган бўлса-да оназо-рим бошқа тушимга кирма-дилар.

Бу тушимни падаримга айтган эдим, онамни кўп уйлаганим учун Аллоҳ сени

ундан совутган, деганлар.

40 йиллик меҳнат фаолия-тимда ёлғончиларни, порахур-қузуьамачиларни, сохта шўхрат ишқибозларини аёвсиз фош этиб келдим. Шу сабабли юқоридagi тоифадаги кимсалар мени жуда ёмон курадилар ва Собик Иттифоқ даврида кўп огир курашлардан омон ўтдим.

Уша кезларда (1980 йиллар) бир туш курдим. Бир ерга кетайтган эмишман, муолишда кимдир 2 та (қора-қизил) буқани боғлаб қўйибди. Мен уни боғлаган эгасидан норози бўлиб ўша ердан югуриб ўтиб кетмоқчи бўлдим. Афсуски буқалардан бири менга инти-

ТУШ ТАЪБИРНОМАСИ

БУНИ МЕН ҲАМ ЎЙЛАГАНДИМ

либ занжирини узиб қувиб кет-ди. Бир мазор ёнига етганда у билан юзма-юз олишувга тўғри келди. Буқа менга таш-ланганида мен уни икки қулоғидан ушлаб олдимда қап бериб олдинга қўйиб юбор-дим. Буқа буткул гавдаси би-лан ерга кириб кетди. Уйғонсам туш экан, ўзимни жуда чарчаган-толиққан ҳис қилдим.

Тушим таъбирини бир одам-дан сураганимда «Сизга кучли душман ҳўжум қиларкан, аммо барибир сиз енгасиз» — деган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай мени вилоят прокуратурасига чақириб 8 киши уртага олиб 1 соату 30 минут сўроқ-савол

қилишди. Аллоҳга ҳақ бўлганим учунми улар чора қўролмалар, аксинча қонун бузарликлари учун уларни вазифасидан четлатилдилар...

Тоққа сайилга чиққан экан-ман, ўша ерда жуда яхши усган теракларни кимлардир пала-партиш, бетартиб кесиб йиқитиб ташлабди. Бунни қуриб кўп ранжидим. Таъби-ри шу бўлдики, тез орада марказдан Гдия ва Иванов-лар келиб ҳақ-ноҳақ одамлар-ни қамай бошладилар.

Садриддин Қамбариддин ўгли,
Андижон вилояти
Бўлоқбоши қишлоғи

Турмуш чорраҳаларида

ура кетди. «Тўхтанг, ўзи нима гап, нима сўз», дейишимга ҳам қулоқ солмади. «Сен ялғониз «иссиқ-совуқ» қилгансан, сен тўғрайли уйимизга совчи келмайди, бахти-мизни боғлаб қўйгансан», дея тўхмат қилди ва дуч келган нарс билан мени ура бошлади. Бир зумда ҳовлида юрган опа-қа-лар сурамай-нетмай мени савала-б кетишди. Ёрдам беринглар деганча ҳўшимдан кетибман. Ўзимга келиб, қўзимни оңсам, ши-

судага ҳам бериб қўйган экан. Остонасини олтиндан қўроқчи бўлган уйим саробга айланди-қолди.

Ҳозирда онамнинг уйидаман, яхши ниятлар ва тилаклар ости-да тулиб-тошиб чиқиб кетган кел-инчак, эғнидаги битта қўйлағи билан онам остонасига қайтдим. Қариндош-уруғлар «ёлгон» тақдир экан, «чин» тақдирдан Худо дариг тутмасин, ҳали бир қувларга те-гасанки, қурмагандай бўлиб кета-сан», деб кўнглимни кутаришди.

Мени ноҳўш саволлар ўртади. Наҳотки онамнинг қўғиликлари менинг тақдиримга ўхшаш бўлса?

Орзулаган олтин қасрим — қўрилмасдан қўлаб тушса.

Мендан олдин остона ҳатлаб утган келин ҳам бахтсизликка ду-чор бўлган, айбисиз, бевозор жаж-жи қизини бағрига босганча ота онаси уйига кетган бўлса, не ажаб?

Азиз дўғоналарим, қўзингизни қаттароқ очинг! Бахтингиз дарз кетмасин. Чин бахтни чилларчин қилувчилардан сакланинг! Сўғра-менга ўхшаш ун саккиз ёшнингиз гўл умрингиз қўрбони бўлиб қол-манг.

М. НОРМУРОВА,
Шаҳрихон

ОРЗУЛАГАН ОЛТИН ҚАСРИМ

римда ёш келин-қувё орамизда қандайдир тусиқ борга ўхшарди. Уялганимдан бир сириш ҳеч кимга айтмасдим, тургириги айтолмас-дим. Ҳамма ишларимни қилиб бўлганимдан кейин келинлик уй-имга кириб чарчаб ухлаб қолар-дим. Нима бўлдию, бир кун бехос-дан уйимга кирсам, қайин эга-чим тиймилар нимадир қилаяпти. Ўрагим шув этди. «Опа, нима қилаяпсиз», деганимни билаёган, шўшиб қолган қайинэғачим мени

фохонада ётибман.

Қайнотам бечора қўзларига ёш билан, «қизим ҳеч нарс қилма-дими?», дея хикоят бўлиб зўрга гапирдилар. Мен эса тоғимгаги тикилган йиғимни базур ўтган бўлдим. Бирок, қўзларимдан ёш сизиб чиқди.

Шифоҳонадан уйга қайтсам, ҳамма нарс янгиштирилган, сак-киз ой келинлик қилган уйим ҳувиллаб қолган. Аллақачон ажра-лиш туғрисидаги аризини эрим

Хурматли М. Х.!

Сиз ҳақиқатда ҳам ҳаётингизда жуда қалтис қадамни қўйибсиз. Биласизми? Бундай кадам қўйган, шу йулга кирган аёлларга маслаҳат бериш у ёқда турсин, ҳатто саломлашиш, муомала қилишни истамайди киши. Бу баландпарвоз, ёки шунчаки чиройли гаплар эмас, бу қалбдан чиқаётган гаплар.

Лекин сиз, кеч бўлса-да, кетаётган йулингизнинг охири жарлик эканлигини ҳис қилибсиз, бу йулдан қайтишни хоҳлаяпсиз, демак инсофингиздан бутунлай айрилмабсиз. Шу йулга бошқа аёллар ҳам тушиб

қолишини истамаяпсиз.

Сизда ҳали тўғри йулга утишга имкон бор.

Ҳар қандай аёл ҳам ҳаётда бахтли бўлишни, ҳеч бўлмаса тулиқ бўлмасада оилавий осойишталикка эришишни хоҳлайди. Лекин ҳаётнинг уз қонун-қоидалари, синовлари бор. Шу синовлардан утишга мажбурмиз.

Сизга Аллоҳ ҳар томонлама бахт ато этган экан. Яъни ёшингиз бўйича турмуш уртоғингиз Сизни жуда ҳурмат қилар эканлар. Ўзлари

куркам, раҳбар эканлар, фарзандларингиз ўсиб улғаймоқда. Айниқса турмуш уртоғингизнинг Сизга ишончлари жуда юқори экан. Фахрланишингиз керак эди. Чунки

ҳаётда бунчалик ишонч билдирувчи эркаклар куп эмас. Хўп, Сизга нима керак эди? Баъзилар муҳтожликдан шундай қадам қўядилар, дейишади. Баъзилари купол муомаладан. Сиз-чи, Сизга нима етишмаётган эди?

Сиз ўша эркак билан

муносабатингизни қанчалик қийин бўлмасадан тўхтатишингиз керак. Сизга унинг топиб берган иши ҳам, олиб бераётган кийим-кечагию, сайр қилдириш-

лари ҳам керак эмас. Чунки буларнинг ҳаммаси нима учун қилинаётганлиги маълум. Буларнинг ҳаммаси мактубингизда тилга олинган эркак-аёл уртасидаги нозик масала сабабли қилинапти. Ўша нозик масала тубида эса ўша эркакнинг «нафси» ту-

рибди. Сиз эса ўша «нафс»ни қондириш учун манба бўлиб келаяпсиз. Агар бу йулдан қайтмасангиз бундан кейин ҳам манба бўлишда давом этаверасиз. Яна шуни биллингки, шу одам қалбида Сиз барибир «Ҳиёнаткор аёл» сифатида ўрин олиб қолаверасиз.

Яна бир гап — инсонга қанча умр берилган бўлса, шу умрни яшаб ўтиш лозим менимча, уни мажбуран тўхтатишнинг ҳождати йўқ.

Хўп, Сизни оилангиздан ажратиб олди, дейлик. Кейин яхши

яшайман, қийинчиликлардан қутуламан деб уйлаяпсизми? Менимча қаттиқ адашасиз яна бир бор. Бунда энди хатоингизни тўзата олмайсиз. Яъни бор имкониятни ҳам йўқотасиз.

Сизга маслаҳат, узр, мен Сиздан ёшроқман, лекин мактубингиз сабаб, маслаҳатимни айтмоқчиман.

Ўша эркакдан воз кечинг, оилавий осойишталикка, фарзандларингиз, турмуш уртоғингизнинг ишончига муносиб рафиқа бўлишга ҳаракат қилинг.

Ирода МУСУРМОНҚУЛОВА

«ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДА ҚОЛДИМ»

(«Оила ва жамият» 34-сон)

ҲАЛИ ҲАМ ИМКОН БОР

АКС САДО

НОДОН БЎЛМАНГ...

«Шариатсиз киши учса ҳавога

Кўнгил берма, унингдек ҳур-навога».

Мен мақолани одатимча дарров ўқиб чиқдим. Айрим кишилар ҳатто ундаги сўзларга ишонмай авторнинг ўзи туқиган деб ҳам айтишди. Мен эса:

— Йўқ, буни автор туқиган эмас, бундай воқеалар шаҳар ва қишлоқларимизда учраб турибди, — дедим.

Халқимизда «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», дегандек бундай ҳиёнатли ишлар албатта ошкор бўлади.

Аввало шуни чуқур англаш лозимки аёл ким, у эркакдан нимаси билан фарқ қилади?

Ҳа, аёл муштипар она, у мунис опсингли, эркакнинг сеvimли ёстикдоши, ўз ибоси, ҳаёси билан бошқалардан ажралиб турувчи, фарзанди учун жонини бергувчи меҳрибон тарбиячидир.

«Икки йўл орасида қолдим» деб хат йўллаган аёл ўзи айтишича эри билан

яхши яшайди, 3 та фарзанди бор. Нимани талаб қилса эри муҳайё қилса-ю, бегона эркак заргарлик магазинига олиб бориб, бирор нарса олиб берса қайтмай олади ва айтганини бажаради. Ҳатто ундан ҳам битта фарзандли бўлганман, деб мақтанади. Аввало ҳамма айб аёлнинг ўзида.

Хат сўнггида муаллиф энди нима қилсам экан, деб сурабди. Менинг аёлга маслаҳатим шундай: Аввало сиз у кишидан олган тақинчоқларни тўплаб қайтара туриб: — «Энди майли, нодонлик қилиб эримга ҳиёнат қилдим. Буёғига энди чидай олмайман, болаларим катта бўлиб қолди. Сизнинг ҳам фарзандларингизни бўйи етиб қолди. Бундан буён қўришиш йўқ», — дег-да орани очик қилинг. Ундан сўнг унинг ихтиёридаги ишдан бушаб кетинг. Шундан бошқа иложи йўқ.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
меҳнат фахрийси

ФОЖИА АНЧА ИЛГАРИ РЎЙ БЕРГАН

Менинг онам ҳар доим «Инсон икки нафсини тия олса, ҳаётда камроқ қоқилади, шайтон йўлига ўйлаб киради», деб таъкидлайдилар. Менинг фикримча бу аёл нафақат бир, балки икки нафсини ҳам тия олмаганга ухшайди. Ахир унга нима етишмайди? Турмуш уртоғи катта лавозимда ишласа, 3 нафар фарзанди булса (туртинчиси бошқа отадан экан), ейишичи, кийиниш, бойликлар барча-барчаси муҳайё булса. Бу аёл ҳозир нафақат ўзининг, балки «у киши»нинг ҳам оиласи бузилишига сабабчи бўлади. Ахир болалари уни касалхона, санаторий қилиб юрган пайтларида интизорлик билан кутишганини билармикан? Турмуш уртоғи «Болаларимнинг онаси соғайиб, бағримизга соғ-саломат қайтиб келсин» деб, ўзи ҳам ота, ҳам она вазифасини бажариб, утирганини билармикан? Йўқ, бу аёл ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайди. Ҳаёлига ҳатто болаларининг ҳоли не кечаётгани ҳам келмайди. Менимча эркак кишида айб йўқ. Бу аёлнинг (уни «аёл» дейишга тил ҳам бормайди) ўзи «туқилка шўхлик» шиори остида яшаб келаяпти. Фожиа 6 йил бурун рўй берганига ақли етмасмикан.

Муножот ХУДОЙБЕРДИЕВА

Акс-садо

БОШИМИЗ ОСМОНГА ЕТДИ

Марҳумларни хотирлаш ва уларнинг рўhini шод этиш инсонга хос одат. Бундай савобли ва хайрли ишларга қўл урмоқликни эса юксак олижаноблик, деб биламан. Севимли гаетамизнинг шу йил 36-сонда босилган «Эл назари-га тушган инсон»

сарлавҳали мақолани оила аъзоларимиз билан ўқиб чиқиб беихтиёр кузларимизга нам қалқиди ва марҳум милиция генерал-майори дадажонимиз Гуломжон Зокировнинг руҳлари шодланди, деб ўйлаймиз. Бундан бошимиз осмонга етди. Биз оила аъ-

золаримиз номидан ижодий жамоангизга чуқур миннатдорчилигимизни билдирдим. Илойим, сизларни ҳам ўтган табаррук инсонларнинг руҳлари қўллаб-қувватласин!

Бахтиёржон
ЗОКИРОВ, милиция
подполковниги

«Оила ва жамият» ўғитномаси

ЎЎРҲИЛИКЛАР

Гўзаллик қидирма қошу кўзингдан,
Измама гулгун юз, ширин сўзингдан.
Қалбинг тоза бўлса — гўзаллик шудир,
Сен уни қидиргил асли ўзингдан.

Эй инсон! Туғилдинг, яшадинг, демек,
Инсондек эзгу иш қилганинг яхши.
Ҳаёт гўмбазиде неки иш қилсанг,
Ўзингга қайтишин билганинг яхши!

Юсуф РАСУЛОВ, Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани

КУТЛАЙМИЗ!

Амн дадажонимиз
БЕРКИН Эришди!



Сизни 45 ёшга
тулишингиз ила қут-
лаймиз! Аллоҳдан
соғлиқ, узоқ умр, бахт,
ишларингизга омад
тилайман.

Ўғлингиз
Улуғбекжон

«Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» деганда мен ҳайрон булар эдим. Турмуш қургандан сунг албатта ташвишли кунлар кечади. Аммо бошимдан куп азоб ўтди. Ҳаётдан кунглим ҳам совида.

Ота-онам эшигига қайтиб келдим. Катта хо-
надонимиздаги май-
да-чуйда сузларга
чидадим. Фарзандим
беш ёшга тулаяти-
ки, ота меҳридан
йироқ ўсди. Олти
йил шундай «туман»ли кунларда ҳаёт кечирдим.
«Чиққан қиз чигирикдан ташқари», — деганла-
ридек... Мурғак қизим ота курсин деб, «Оила
ва жамият» газетасининг «Оила» танишувига хат
ёзган эдим. Тошкентлик Мухторбек исмли
йигит билан танишиб турмуш қурдик. Менинг
ота-онам ва уларнинг қариндош-уруғлари
маслаҳатлашиб, дил топишиб олдик. Жажжи
қизалогимиз ота меҳрини англапти. Ҳар вақт

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ...

Куда холага хат

қизимнинг адажониси — Мухтор акам ишдан
келсалар бағрига талпинади. Оиламиз тулиб,
ойнинг ун беш ёруғида тотли яшаб келяпмиз.

Ҳа, айтгандай,
куни-кеча газетан-
гиз саҳифасида
Сизнинг биз учун
қутловингизни
ўқиб, ҳаяжонла-
ниб кетдим.

Раҳмат. Куда хола! Сизнинг меҳрингиз, эъти-
борингиз оиламиз қалбини энтиктириб юборди.
«Оила» танишуви орқали ўз бахтини
топаётган, излаётган жуфти-халолларга бахт
тилайман.

Мадина МУҲИДДИНОВА,
Тошкент шаҳри.



Сантехника, монтаж, таъмирлаш ишлари
ни бажарамиз. Тел: 126-02-52, 67-98-00.

**ХОВЛИ ЁКИ КВАРТИРА СОТИБ
ОЛАМАН**
Тел: 58-61-09, 58-31-23

Шайхонтоҳур тумани марказида 8 хо-
нали, 7,5 сотих ери бор, янги қурилган
ҳовли. Тел: 43-31-70, 78-16-19

ЭЪЛОНЛАР

СОТИЛАДИ

Яккасарой тумани
марказида 6 хонали, 6
сотих ери бор, планли
ҳовли.
Тел: 53-17-16, 30-97-39

Яккасарой тумани
марказида 7 хонали, 6
сотих, гаражи бор,
европача
таъмирланган.
Тел: 53-48-40, 42-07-17

Чилонзор, Оқтепа
томонидаги 12 хонали,
7 сотих ери бор, яхши
таъмирланган уй.
Тел: 77-76-51.
Уй тел: 78-42-77.

Амн
Ўғлдон Комиллов!

Сизни қутлуг 50
ёшингиз билан
муборакбод этиб,
Аллоҳдан соғлиқ,
узоқ умр ва ишларингизда омад тилаймиз.
Онажонинг, ака-
укаларинг
Раҳматулла,
Раъно, Шаҳноза,
Раҳимжон

Амн
Ўғлдон Комиллов!

Сени туғилган
кунинг билан
табриклайман.
Доимо соғ
булишингни ва
аъло баҳоларга
ўқшингни тилаб

холанг
Наимахон



Хурматли онажонимиз
МАХРОМБА
МАХРОМБА!

Таваллуд топган кунингиз
ва қутлуг пайгамбар ёшингиз
билан муборакбод эта-
миз! Аллоҳдан Сизга узоқ-
умр, соғлиқ ва хотиржамлик
тилаймиз.

Фарзандларингиз —
Сурайё, Дилдора,
Дилшода, Наргиза,
Нигматилла, келинингиз
Муҳаббат ва
набираларингиз
Ҳожиакбар, Ҳилола

Хурматли Жамия Қурбонова!



Сизни
таваллуд
кунингиз ва
1-октябр
муаллимлар
куни билан
қутлайман!
Чинордек
узоқ умр,
сермазмун
ҳаёт,
соғлиқ тила-
йман!
ШУҲРАТ

Сиз бизга мактуб ёзибсиз...

Ассалому алайкум ҳурматли редакция!
Сизларга дилимни очмоқдан ўзга чорам
қолмади. 1995 йили бошимга кулфат тушиб,
акам оиласи (5 киши) билан фожиаи ҳалок
булишди. Акамдан айрилиб, терговга қатнаб
юриб Қ. исмли бир милиционер ходимини
яхши кўриб қолдим. У ҳам мени ёқтирган-
дай эди. Биз гўё Отабек ва Кумушга айлан-
дик.

Ўзим бева аёлман. Ёшим 40 дан ошган.
Шунча ҳаракат қилсам ҳам ундан қўнгил
узолмаяпман, ҳечам уни унута олмапман.
Унинг оиласи, болалари бор. Мен эса хиж-
ронга, рашк азобиға чидаб келяпман, сев-
гим эса кейинги пайтларда мендан
қочишни одат қилиб олди. Баъзида унинг
бепарволигига аччиқ қилиб ўзимни-ўзим
ўлдиргим, уни ҳам ўлдиргани одам қўйгим
келади. Яқинда қайнона бўламан. Набира-
ларга бувижон бўламан. Севганим-чи? Уни
нима қилай? Ўзимни-чи?

Бу бошимга ёрилган кулфатимди ёки
ошиқликимди ҳамон ўзим ҳам билмайман.
Мен шундай қилиб, моҳов бўлиб яшай-
райми ёки...? Сизлардан маслаҳат сураб
умид ва илтижо билан жавобингизни кута-
ман.
Бир дарди бедавоға чалинган — Х...

Мухтарам Х. хон!
Фарзандларимга
тенгдош бўл-
ганингиздан Сизга она
қизим деб мурожаат
қилишга рухсат эт-
гайсиз. Шундай
қилиб, она қизим
бева бошингизга бун-
дан уч йил муқаддам
катта мусибат туши-
пти. Яъни акангиз бу-
тун оиласи билан,

бир йўла беш жон
фожиали ҳалок бўпти. Бу
қутилмаган фалокатдан
юрақ-бағрингиз ёзи-
либ, ёруғ дунё
қўзингизга зим-зие зи-
мистон бўлиб, бот-бот
терговға бориб-келиб
юрганингизда бир ми-
лиса ходимини яхши
қуриб қопсиз. Севга-
нингиз оилали, бола-
чақали одам экан. Ус-

тига устак кейинги пай-
тларда севганингиз
Сиздан узини олиб
қочадиган одат
чиқарипти. Бундан Сиз
изтиробга тушиб, ҳиж-
рондан жону
жаҳонингиз қийноқда
қопти, севган ёрингиз-
ни унинг қонуний хоти-
нидан қизганиб, рашк
ўтида жизганак бўлиб
қўйяпсиз.

ҳам огоҳ бўлмоқ дар-
кор.

Кишилиқ ўз ақли-
юзлигини таний бошла-
гандан буён унинг до-
имий ҳамроҳи бўлиб
келаётган бу ҳодиса
ҳақида, афсуслар
бўлсинким, жуда кам
нарса билади. Негаки,
у дунёдаги энг
муъжизакор, ниҳоятда
сир-синоатли, сеҳру
ажойиботларга лиммо-
лим тула ҳодисалардан-
дир. Ишқ-муҳаббат,

сакликка интилиб
яшашга чорлайди, ин-
соний камолот
чўққиларини забт
этишга даъват этади.

Нима куп ишқ-
муҳаббат, меҳр-
муҳаббатнинг, севги-
нинг хили кўп,
қуриниши ранг-баранг.
Даставвал инсонни
барча махлуқотдан ази-
зу муқаррам қилиб
яратган, унга ўзлигини
ва Аллоҳни танишга

бўлиб, бири-бирдан
келиб чиқади, бири-би-
рига таъсир утқази-
ди, бир-бирини тақозо
қилади.

Сизнинг мактубин-
гизда, она қизим,
фақат эркак билан аёл
ўртасидаги ишқ-
муҳаббат, меҳр-
муҳаббат, ошиғу-
маъшуқалиқ хусусида
суз кетади. Юрагингиз-
га чироқ ёқса ёнмайди-
ган уша машъум кун-

БУ ИШҚМИ

Хуш, она қизим, Сиз-
ни уч йилдан бери
безовта қилиб
келаётган ҳис-туйғулар,
мубҳам кечинмалар ин-
сон наздида муқаддас
ва сир-синоатли,
соҳир саналадиган
ишқ-муҳаббатнинг иши-
ми 8 бошқа нарсами,
кулфат-фалокатми?
Мактубингиз замирида
ана шу савол ётади.
Қуринишдан жун-осон,
аслида эса ута мурак-
каб саволға жавоб то-
пиш учун одамзод ишқ-
муҳаббат ҳақида нима-
ни биладию, нимани
билмаслигидан озгина

меҳр-муҳаббат башари-
ятнинг ўзи сингари
қушна, аммо ҳар бир
киши ўз қалбида уни
янгитдан кашф этади.
Ҳақиқий ишқ-муҳаббат,
меҳр-муҳаббат инсон
руҳиятида, қалбида
шундай қудрат, шундай
саховат, шундай олий-
жаноблик, шундай тан-
тилик, шундай шижоат,
шундай назокат пайдо
қиладики, уларни ид-
рок қилишда кишининг
ақлу заковати, фаҳму
фаросати лолу ҳайрон
қолади. Чинакам ишқ-
муҳаббат инсон фар-
зандини ҳамиша юк-

имкон берадиган қалб,
ақл-идрок, хоҳиш-иро-
да, ана ададсиз бошқа
неъматлар ато қилган,
уни ўзининг ердаги ҳа-
лифаси — уринбосари
этиб тайинлаган
аллоҳи Таолоға меҳр-
муҳаббат, инсоният ва
кишиларга, жамият-у
халққа. Она-Ватанга,
ота-она, ака-ука, опа-
сингилга, оилаға, ўз
суяғли ёрига, қарин
дош-уруғига, табииати
ға, жамийки махлуқотға
меҳр-муҳаббат, меҳр-
шафқат ва ҳоказо. Бу-
ларнинг ҳаммаси ўзро
чамбарчас боғлиқ

ларда қалбингиз тас-
кин-тасаллиға қаттиқ
эҳтиёж туйган. Сиз
«ошиқи беқарор»
бўлган йигит худди шу
кезда ўзининг хуш му-
омаласи, гамгузорли-
ги, дардкашлиги билан
рупара келган
қуринадиган. Унинг шун-
чайин одамгарчилик
юзасидан Сизга
курсатган меҳр-
шафқатини Сиз ҳам
ҳақиқий ишқ-муҳаббат
аломати деб қабул эт-
гансиз. Беваалингиз
туфайли уч йил мобай-
нида наздингизда Ҳу-
донинг ўзи етказган бу

**(Давоми, боши
утган сонда)**

Қўзимни очганимда оқ халатли 2 хотин — бири укол қилар, иккинчиси эса пешонамга хул сочиқ бос-тириб турарди.

Ўзимга келиб яна уларга ялдиним:

— Опажон, эрим севгани билан бахтли бўлиши учун менинг улишимга ёрдам беринг. Утиниб сурайман сиздан. Менга ёрдам беринг... Менга ёрдам беринг...

— Ўзингни бос аҳмоқ, — деди ёши утган хотин. — Эрингга керак бўлмасанг болаларингга кераксан. Уларни шу расвони қўлига топшириб кетмоқчимсан? Ҳозир укол қилдим, энди анча ухлайсан, ўзингни бос, унутма, сен болаларингга кераксан, улар учун яшашинг керак.

Ўйюнганимда, синглим «Тез ёрдам» келганда Оля зинапода кутиб турганини, «Тез ёрдам» жўнаб кетгач эса эрим билан қучоқлашиб кетганича ҳалигача йўқлигини айтди.

— «Сен улишинг керак», — шундай ҳукмини тақрорларди калбим.

Бир пилёла тўлдириб уксус кислотасини кўйдим. Ичанам-у қутуламан. Сассиқ хидга қизим югуриб келди. Оғзимга ҳўпламоқчи бўлган уксусни қўлимдан туртиб юбориб тезда ошхона пичогини олди: «Агар инсангиз ўзингни улдираман». Югуриб келган ўғлим ҳам бир нарсани англаб етгандай бўлди: «Сизлар узларингизни бир нарса қилсангизлар — мен ўзингни машинани таги-га ташлайман... Қизим йилгаб деди:

— Ойижон, кетайлик бу уйдан, кетайлик...

Ўғлим ҳам шундай деди. Болаларим ҳам мен билан қийнаётганини тушундим. Энг муҳими, мен уларга

керак эдим.

Эрим шу тун келмади. Шифокорларнинг сузига кура эрталабгача ухлашим керак экан. Эрталаб эрим келди. Унга биз уйдан чиқиб кетётганимизни айтиб шундай дедим: — Эҳтимол кўпдан кутиб юрган-дирсиз шу кунни. Кўнглингиздаги билан бахтли бўлинг. Ота-онангиз армияда ёқтирган рус қизингизни олиб беришмаганига доим пушаймонда эдингиз. Мана энди яна бирини топибсиз, севибсиз, тақдиримдан кўрдим, сиз бах-

ди. Охири меҳмонхонага қоньяк-кабоб олиб қақириб ишим битсин деб, «Сени ёқтираман» — десам узи ёпишди. Шундан бери ҳоли-жонимга қўймайди. Биринчи келганида ҳам бирга маёвқада эдик. «Уйга меҳмон келди-кетаман», — десам кетмайсан, деб туриб олди. Бор-эй деб ташлаб келгандим. Уйни топиб келибди. Мени кечир, жоним. Кел энди бола-

га «Шу мултонни оламан, деб туриб олдинг, ўзимга қўйиб берсанг ойдаи қизга уйлантирардим», — деб арз қилганларини эшитгандим. Ҳаммани жон деб, жоним деб айтиб қақирганим учун шу лақабни олдим. Ҳозир билсам менга у киши севиб эмас, балки ўша пайтларда институт газетасида шеърларим билан қўриниб турганим учунми — «бундан шоира чиқади», — деб уйланди,

ни зорини қилавергач, менга шунчаки уйланиб, ўзи эса руз қизлари билан шу пайтгача яшаб келибди-да.

Ҳаётнинг зарбаларига қайта-қайта учрай бошладим. Турмушимга эрим билган, мен эса энди била бошлаган (қани энди ҳеч қачон ҳеч бирини билмасам) аёллар оғу солди. Доим «заказчи»га деб иш билан кетадиган эрим фирмани ҳамма икки-чиқирини мен билан прорабга ташлаб, ўзи ялло қилиб кайфу сафода экан.

Мен учун ҳаммаси тугаган, муҳаббатим чил-чил синиб бўлган эди. Ўзимни ёмонлигим ва хунуқлигимга ишонтириш учун ўзини мажбур қилишим керак эди. Ошхонага, ётоқхонага, ёстигим тагига, ваннахонага қаерга изим тушса кирганда олиб уқиш мумкин қилиб қозоғга ёзиб яшириб қўйдим.

— Сен дунёдаги энг бадба-шара, хушқ ва жирканч аёлсан. Сен севишга муносиб эмассан. Сента у билмай уйланиб қўйди, бўлмаса сени ҳеч ким олмасди. Шукр қил, болаларинг бор, уни тинч қўй! Сен ёмонсан, хунуқсан, севишга арзимайсан... Ҳар кун 15-20 марта уқийвериб бир ойда ўзини ёмонлигимга ўзини тулиқ ишонтириб олдим. Кўнглим бум-бум бўлиб қолди. Фақат болаларимни жондан севаман. Қулиш, жийлайтиш, уйин-қулгу мени бутунлай тарк этди. Шундан бери юракдан қуллолмайман ҳам, кўнглимга уйин-қулгу сиймайди ҳам. Жимганим ишга бориб келаман, уй ишини қиламан. Ҳеч нарсанга қизиқиман ҳам йўқ. Муҳими эрим келадими, келмайдими интиқ бўлиб кутмайман ҳам. Гўё 60 ёшга кириб қолгандиман...

САОДАТХОН
(Давоми бор)

«Кунларнинг бирида...» танловига**СИНГАН КЎНГИЛ ИЗҲОРИ**

гли бўлсангиз бўлди. Мендан рози бўлинг... — Мен уйдан болаларимни етаклаб чиқиб кета бошладим.

— Саодат, қайт орқанга, — буюрди эрим. У жуда ғамгин эди. — Тўхта бирпас. Мени уйда қолишим эркакнинг иши эмас. Мен айбдорман. Мен чиқиб кетаман.

У бир варақ қозғ олиб ёза бошлади.

«Сўнгги хат. Мен... Саодатга ҳиёнат қилганим учун уйдан чиқиб кетяпман. Уйни, машинани, ҳамма жиҳозларни хотиним, болаларимга қолдираман...» Мен эса... Эримнинг ёзаётган хатини йиртиб ташлаб дедим: «Сизни мол-дунёингиз менинг йўқотган бахтинми топиб берадими? Ҳамма нарсангиз ўзингизга сийлов. Менга ҳеч нарса керак эмас, болаларим омон бўлса бас. Эр сиздек бўладиган бўлса тухуми курсин, дунёдан безор ўтганим бўлсин!».

— Мени кечир, Саодат, мени кечир. — Эрим епишиб илтижо қилди.

— Узим ҳам билмай қолдим. Янги ордерга рухсат оламан десам, қаршилиқ қилавер-

ларимиз ҳаққи, ҳаммасини унут, ҳаммасини қайтадан бошлайлик! — У йилларди. Эркак кишининг йиғисини биринчи кўришим, чиқолмадим, эриб кетдим муздай. Дам олиш кунлари эрим биз билан бўладиган одат чиқарди. Озгина бизга ҳам аҳамият бера бошлади. Болалари билан ҳам қизиқар, рузгор ташвишларига ҳам қўмилиб қоларди. Гоҳида ўз қўлларидан ош дамлаб сийларди. Бу ўзюкча қўзилмади. Қизим билан қишлоққа кетдим. Уйда ўғлим қолди. Ҳафта утиб ўғлим шамоллаб иссиғи олиб уйда 2 кун оча-наҳор ётиб қолди. Дадаси эса уйга келмабди. Синглим шу кунни поччасини Оля билан бозорда кўрганини айтди. Келганимда боламини ҳолига қараб бўлмас, мени қучоқлаб «Ойижон, энди мени ташлаб кетмайсиз-а?», — деб йилларди. Эримни бутунлай йўқотганим рост эди. Энди фақат болаларимга керак эдим мен. «Улиш» эмас, болалар учун яшаб, яшаб учун курашишим керак эди.

Худо мени ҳусдан қисганмикан, келин бўлиб тушган пайтларим ойимлар ўғиллари-деб уйлайман.

Чўнқи баъзи эркаклар шухратталаб ҳам бўладилар. Мендан ҳеч ким чиқмади. Оила ташвишлари, катта рузгор юмушлари билан шеър ёзишга вақт ҳам ажратолмадим кейин. Ҳар соҳани ўз мушкулоти бўлганидек, бола-чақага уралашиб ўзим билан ўзим бўлиб қолдим. Кўп болали оилага бош келин эдим.

Едимдан ҳеч чиқмайди, институтда бирга уқиган курсдошлари меҳмон бўлиб келишди. «Чой кирита туриб қулоғимга чалинди. «Эсингдами, жура, — дерди эрим, — мен билан шаҳарда яшаб юрган қиз бор эдию — Смирнова дегани, яқинда ўлди, юраги хаста экан. Ҳозиргача учрашиб турардим»...

Ушанда ёмон бўлиб кетдим, шунинг учун ҳам мени тўйдан кейин қишлоққа элтиб ташлаган экан-да... Ўзи мендан бир йил кейин тугатди. У киши шу аёлни деб мени институтда қолишимга роса қаршилиқ қилган экан-да. Онаси ҳар сафар қишлоққа борганида «ёшинг утиб бораёпти, укаларингни уйлашим керак» — деб худо-

деб уйлайман.

Чўнқи баъзи эркаклар шухратталаб ҳам бўладилар. Мендан ҳеч ким чиқмади. Оила ташвишлари, катта рузгор юмушлари билан шеър ёзишга вақт ҳам ажратолмадим кейин. Ҳар соҳани ўз мушкулоти бўлганидек, бола-чақага уралашиб ўзим билан ўзим бўлиб қолдим. Кўп болали оилага бош келин эдим.

Едимдан ҳеч чиқмайди, институтда бирга уқиган курсдошлари меҳмон бўлиб келишди. «Чой кирита туриб қулоғимга чалинди. «Эсингдами, жура, — дерди эрим, — мен билан шаҳарда яшаб юрган қиз бор эдию — Смирнова дегани, яқинда ўлди, юраги хаста экан. Ҳозиргача учрашиб турардим»...

Ушанда ёмон бўлиб кетдим, шунинг учун ҳам мени тўйдан кейин қишлоққа элтиб ташлаган экан-да... Ўзи мендан бир йил кейин тугатди. У киши шу аёлни деб мени институтда қолишимга роса қаршилиқ қилган экан-да. Онаси ҳар сафар қишлоққа борганида «ёшинг утиб бораёпти, укаларингни уйлашим керак» — деб худо-

йигит ҳақида уйланавери-риб, ҳаёлингизда ошқ-маёшуқ тимсоли яратгансиз, ўртадаги висол дамларини ҳам ана шу ҳаёлий тимсол орқали идрок этиб, шу тарзда кечингансиз, қисқаси ўзингизни ўзингиз алдаб оутгансиз.

Узоқ йиллар борлигингизни ларзон қилган ҳис-туйғулар, изтиробли кечинмалар, индаллосини айтганда,

шахсига тортиш учунгина ўз жонига суъйқасд қилмайдиган ҳеч қачон, чўнқи инсонга жон ато қилгучи ҳам, унинг жонини истаган пайтда олгучи ҳам Тангри Таолодир, бандасининг бу масалада узоқшомчалик қилишига ҳаққи йўқ. Яна чинакам маёшуқа ўз ошигининг белисанлиги учун уни жисмонан йўқотиб юборишни ҳаёлига келтирмайди

Пайғамбаримиз: «Дилорздордан Худо бозор» дея марҳамат қилганлар. Нахотки, Сиз, она қизим ўзингиздек бир аёлни қақшатиб, болаларини тирик етим қилиб, ширингина оиласини барбод этиб, ўз «ошигингиз» билан қовушишни қўзлайсиз, шу билан бахтингизни топпоқчи бўласиз? Ўз фарзандларингизни угай оталик қилиб, уларни хушнуд масъуд

гидан хабарингиз борми? Юрагингизни қуйдираётган қиссангиз кейинги пайтларда ўзини Сиздан олиб қочиб юрганидан шуни тахмин қилиш мумкин-ки, у алалоқибат Сиз билан висол боғларида сайр этиш — бу ўз оиласига, ўз жуфти ҳалолга ҳиёнат қилиш эканини англаб, ортиқ гуноҳга ботмаслик учун Сиздан узоқ бўлишга аҳд қилган. Ёки Сизни

римиз ўз қилмишларимизга яраша ажр-мукофот оламиз.

Мана, сабр-бардошингизни синаб қўриш учун, она қизим, Худои Таоло аввал Сизни не не яхши ният билан бир ёстиққа бош қўйган ёрингиздан айирипти, кейин эса жонажон акангиздан айирипти.

Сиз тақдирингизга тан бермай, ёлғиз ўз шахсий, фардий-индивидуал хузу-р-халоватингизни

вазифангизни қойилмақом адо этиш ишига бор меҳр-муҳаббатингизни сарфланг, бу борада кироий ҳалоллик — уғилу-келиндингизни хурраму бахтиёр бўлиб умргузаронлик қилишга шароит яратинг. Танграм албатта ато этадиган набираларингизга меҳрибон ва мушфиқ бўви бўла билинг, уларни рисоладагидек баркамол инсон бўлиб етиштириш учун бутун қалб ҳароратингизни, ҳаммаки куч-ғайратингизни бахшида қилинг. Орқадан босиб келадиган зурриётларингизнинг маъсулдиғини қўриб

ЁКИ ҲАВАС?...

бевалик юкини қутариб юришдан толиққан аёл қалбида пайдо бўлган ҳаваснинг меваси холос. Бунинг исботи «ошигингиз»га аччиқ қилиб, ўзингизни-ўзингиз ғўмдон этишни ва ҳатто уни ўлдириб юбориш учун одам вллашни ният қилишингиздир. Ваҳоланки, чинакам ошқ-маёшуқ бир-бирини ҳаддан зиёд авайлайди, бир-бирига ўта садоқатли, жонфидо бўлади, аммо маёшуқа бепарво ва беписанд ошқнинг диққатини шунчаин ўз

ҳам. Зеро, ҳақиқий ошқ-маёшуқ жумард, танти, бағри кенг бўлгани сабабли висол наҳидасини мушарраф бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, бир-бирининг борлигидан, бир ҳаводан нафас олиб, бир заминдан ва бир замонда яшаётганларидан ўзларида йўқ мамнун ва масрур бўлади.

Ҳар қандай дилдорлик муъмин-мусулмонга мутлақо ярашмайдиган қилиққина бўлиб қолмай, ярамас иллат ҳам. Шу боис суюкли

қилмоқчимисиз? Чуварани хом санабсиз, азизам. Умуман олганда, ўзгалар бахтига чанг солиб ва поймол қилиш ва ана шу вайрона устига ўз бахти қасрини қуришга интилиш утакетган пасткашлик, разиллик, бу ийм о н с и з л и к н и н г кўринишларидан бири бўлади-ку!!!

Ёхуд шарият аҳкомларидан келиб чиқиб «ошигингиз»га иккинчи хотин бўлмоқчимисиз, она қизим? «Ошигингиз» буни иста-ш-истамасли-

шаърий иккинчи хотин қилиб олишга жуфти ҳалолнинг рози бўлишига кузи етмаган ва ё икки хотинни моддий жиҳатдан таъминлашга қўрби келмаслигини тушуниб, Сиздан нарироқ юришни маъкул толган.

Ниҳоятда ғўзал, шу туфайли кироий жозиб ба бу фаний дунё биз ожиз бандлар учун имтиҳон гушаси, синов майдонидир. Бунда бандаларинг илоҳий тақдирини тан олиш-олмаслиги ҳар турли йул билан синалади. Қиймат қунида ҳар би-

уялаб, уткинчи ҳавас кетидан чопмоқчи бўлаяпсиз.

Ишқ бошқаю ҳавас бошқа бўлишини уқиб олинг! Яна шуни ҳам билинг-ки, дунёнинг иши ҳамма бири кам икки, у ҳеч қачон бут бўлмаган, бўлмайди ҳам. Шу боис Аллоҳнинг тақдирига рози бўлиб, қирқдан ошган, утин бўлганингизни мардона тан олинг-да гарданингиздаги муқаддас оналик бурчингизни, яқинда пайдо бўладиган қайноналик

уланроқ бахт-саодат борми бу дунёда? Ҳа, азизам, жамлаб айтганда, муҳаббат сузи бир сузу — маъноси олам-жаҳон. Ҳамма халқлар ва ҳамма замоналар донишмандларининг бир оғ и з д а н тасдиқлашича, чинакам бахт бошқалар бахтини қўриб яшашда, барака топгур она қизим!!!

**Қамоли эҳтиром
Билан Миён
СОДИҚ РАББОНИЙ**

ШЕЪРИЯТИ БУСШУНИ

ГУЛГА ЎРАБ
ТУТСАМ ЭДИ

Шудринглар жаласига,
Попугулнинг толасига
Бўзтўғайлар ноласига
Қалбим сўзин битсам эди,
Тонг елига тутсам эди.

Ёлқинларнинг сели аро,
Севги сўзин битсам эди,
Уйғонишинг кутсам эди.

Заррин нурлар кафтидаман
Сувнинг зилол бетидаман.
Гулнинг латиф қатидаман
Ишқим сўзин битсам эди,
Гулга ўраб тутсам эди.

Шамнинг куйик тили аро,
Чақиннинг чуғ дили аро

СЕВДИМ СЕНИ

(Ғазал)

Севдим сени, эй гулзо
Сўзимда ҳеч хато йўқ.
Тингла десам арзимни,
Нечун сендан садо йўқ.
Кўнглумни асир этган
Сенинг қошу-кўзингдир,
Рўзгорим қаро этган
Холнинг каби қаро йўқ.
Дил қуши парвоз этиб
Хар дам ҳаво истайдур
Воҳки, ишқ осмонидек
Чексиз мовий само йўқ.

Жоно қилиб мурувват
Жоним олиб нишонга
Мужгон ўқишни оттил
Бу ўзгага раво йўқ.
Дардим сезиб ҳабиблар,
Дерлар бизга аён эт.
Бемори ишқдурман
Бу дардга чун даво йўқ.
Нозлар қилиб дилоро
Наргисларинг яширма,
Юлдуз — кўзингга Ошиқ
Нусрат каби фидо йўқ.

Нусрат КАРИМ

ҒАЗАЛЛАР

Неча ёзу, неча қузу, баҳор ҳазон ўлди ёрсиз,
Куним кечди, туниги кечди ёш билан ёрсиз, гулзорсиз.

Булбул киби нола қилиб, қафас бағрин қон айладим,
Сомон ўлди ранги рўйим кечгач умр гулрухсорсиз.

Абри найсон жамол очиб булбул дилин шарҳ айлади,
Шарҳ айладим мен дилимни шому сахар интизорсиз.

Умид бўғлаб оллоҳимга ҳавас этдим кўрмакликни,
Насиб ўлмай висол шоми йиғлабди ҳаргиз, дилдорсиз.

Бағри қонлик қолди аждод, бағри қонлик ўтар авлод,
Кетгум охир изларидан қон йиғлаб гулсиз, хунхорсиз.

Ғам ханжарин зарби билан тулғаниб ким ётадурман,
Жоним олғай эмди пари бу оқшом орсиз, озорсиз.

Ишқ савдосин солиб бошга май жомига банд айлади,
Оҳ уради сармаст Уктам тентираб ёлғиз, хуморсиз.

Муҳаббат гулшани эй ёр, бўлди адо, адо сенсиз,
Ул гулшанининг султониким, бўлди гадо, гадо сенсиз.
Адо сенсиз, гадо сенсиз, бўлғай охир ҳазон сенсиз,
Сархуш ётиб ул гулшанда умри қаро, қаро сенсиз.
Паришондур бу дунёси мену сенсиз, сени менсиз,
Ҳазин-ҳазин оҳим ила ҳазон фано, фано сенсиз.
Жудоликнинг азобини бир мен чекдим бу дунёда,
Тану жондан кечар Уктам, келса бақо, бақо сенсиз.

Ишқ гулшанин булбули-ким тарк этолмас қафасини,
Ёшим қондур, қоним ёшдур мендан жудо, жудо сенсиз.
Йиғламакдан толди жоним, жоним сенсиз, таним сенсиз,
Ҳам майману, ҳам майхона, қаддим дуто, дуто сенсиз.
Сенсан сарбон, сенсан армон, сарбонсиз бу Уктамнингга,
Қарвон қутиб, сарбон қутиб бўлди адо, адо сенсиз.

Уктам ҲАКИМАЛИ

(Боши утган сонда)

Остонада эғнига парча гулли
хаворанг халат кийиб олган,
тўлқин-тўлқин сочлари нозик елка-
лари узра паришон ёйилган,
шахло кузларида алланечук кўркув
ва хавотир аломатлари муҳрланиб
қолган хушқомат аёл пайдо бўлди.

Лейтенант Қорабоев уни тани-
ди. «Ўликхона»га боришганда
қурганди. Ушанда қон-қора румол-
қуйлақда булгани учуми, унчалик
эйтибор бермаган экан. Дарров
таниди. Қаршида турган бу
дундиқина жувон шоирлар «ма-
лаксийрат» деб таърифлайдиган,
узининг ҳусни-ю латофати билан
ўз вақтида кулларни куйдирган,
аммо кейинги пайтларда
қўринмай қолган машхур раққоса
эди. Аёл эса рупарасида турган
одамни кўрмайтгандек, гуё
бушлиққа тикилиб қолгандек туюл-
ди Қорабоевга. Йўқ, раққоса тез-
гина ўзини қўлга олволди.

— Ҳа-а, сизмидингиз, лейте-
нант? — деди у товушининг тит-
раб кетаётганини, ўзини нимадан-
дир асабийлашайтганини яши-
ришга уриниб — Келинг! — Кеч-
расиз, бемавруд келиб қолдим
шекилли-а. — деди лейтенант
Қорабоев унғайсизланиб.

— Йўқ, нега? Сиз мени кеч-
ринг, ухлаб қолган эканман.
Кўнгирак товушини эшитмабман,
— ясама табассум қилди аёл ва

ичкарига бошлади. — Марҳамат,
кираверинг!..

Икковлон ичкарига, дид билан
безатилган, аммо кўпдан бери
қаровсиз қолганлиги шундоққина
қуриниб турган муъжазгина хонага
киришди. Гулқоғоз елимланган де-
ворларга ранг-баранг фотосуратла-

— «Мени ҳам йўқлагудек бир за-
мон яхши», — дея артистона хитоб
қилди аёл ва кафтларни жуфтла-
тириб ҳиндча таъзим қилди, — та-
шаккур лейтенант! Мен, ҳозир...

Ва зум утмай, ичини чирк босган
стаканда қанд ва бир бўлак лимон
солинган чой қуйиб келиб, сохта та-

қилиб ётган экан...

— Э, кайфини бузиб қуйиб-
сиз-да? — илжайди доктор.

— Ҳа, шунақа деса ҳам
бўлади, — уни маъқуллади Қора-
боев.

— Э, тав-ба! Хотининиям худо
уриб қўйган экан-да! — хитоб
қилди доктор надомат билан, —
хўш-хўш, кейин-чи? Кейин нима
бўлди?...

...Лейтенант Қорабоев шундан
кейин раққоса чеккан наша унга
энди таъсир курсата бошлагани-
ни сездики, индамай ўтираверди.
Уй бекаси анчайин устомон аёл
экан. Аммо у ҳар қанча «артист-
лик» қилмасин, ранг-қўти ўчиб
бораётган чехраси гезариб
қуруқшаб бораётган лаблари
унинг аҳоли-руҳиятини ошқор
қилиб турарди.

— Аввалига «бошим
огрияпти», — деб кўрди. Кейин
«кўнглим айниёпти», деб
ташқарига чиқиб келди. «Ўзимни
ёмон ҳис қилаяман», деб ором-
курсига чўкди. Кейин қутилма-
ганда кузларини йириб очганча
Қорабоевга қараб турди-да, бир-
дан елкалари титраб йиғлаб
юборди. Айни чоғда унинг ҳола-
ти туйқусдан яна узгарди. Тир-
сакларини тиззаларига тираган-
ча, кафтлари билан бошини чан-
галлаган қўйи тебраниб, қандай-
дир ашулани ҳиргойи қила бош-
лади...

(Давоми бор)

Эркин УСМОНОВ
«АЖАЛ ХИЁБОНИ»

(Саргузашт-мистик қисса)

ру эски афишалар ёпиштириб
ташланган, қандайдир ҳайкалча-
лару — биллур идишларга тула ҳашамат-
ли жавону, пианино, «Филлипс» те-
леви-зориро видеомагнитофон усти-
ни ҳам чанг, ис босиб ётарди.
Шоҳи дастурхон ёзилган стол усти-
даги нозиккина гулдондаги чинни-
гуллар эса буларнинг акси уларноқ
худди ҳозир узиб олингандек яш-
наб турарди. Лейтенант Қорабоев
аввалдига бунга ҳайрон бўлди,
яқинроқ бориб қарагандан кейинги-
на пластмассадан ишланган сунъий
гуллар эканлигини кўрди.

— Чойми ё қаҳвами? — сўради
аёл.

— Йўқ, раҳмат, ҳеч нимага о-
ра бўлмаг! — деди лейтенант
Қорабоев. — Ҳозир кетаман. Шу
ердан утиб қолгандим, бир хабар
олиб утай деб...

возе билан унга узатди. Лейтенант
Қорабоев ноилоҳ қўлига олиб, стол
устига қўйди. Лекин ичгиси келма-
ди. Шу топда унинг диққатини бу-
тунлай бошқа нарса, ҳозиргина аёл
узига яқинлашганда димоғига
урилган ва хонага ўрнашиб қолган
қандайдир қўланса, ачимсиқ, айни
чоғда бошини айлантиргувчи бир
хид узига тортган эди...

— Биласизми, у ниманинг ҳиди
эди, Собир ака? — жилмайди
Қорабоев.

— Кўкнорими? — усмоқчилаб
суради доктор.

— Йўқ. Наша ҳиди эди. Мен бун-
дан дарров пайқамаганимга аввалига
хайрон ҳам бўлдим. Кейин раққоса
ҳам эшикни дарров очмагани ва
мен кетгач, дарҳол дераза
ғавақаларини очиб ташлаганининг
боисини тушуниб етдим. Раққоса
мен келган пайда наша чекиб кайф

Оила ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шioriимиз:
Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41- уй.
Бошишга топшириш вақти -20.00.
Бошишга топширилди - 18.30.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0340
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табак,
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Комил ТОШ